

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «27» 7

40-7-95-МТ/2022-  
сон

Иштихон ш.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган **Иштихон туман мактабгача бўлими томонидан** ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар **Сайдмуратова Гулчехра** бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган номидан **«МУРОДОБОД СЕТИ»** масъулияти чекланган жамияти Низом асосида иш юритувчи **Турганов Турсунмурод Киличевич** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро хужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Иштихон мактабгача таълим бўлими ўз таваккалчилигига асосланган ва ўзининг ҳамда Буюртмачининг материалларидан фойдаланган ҳолда Буюртмачининг топшириғига асосан қуйидаги ишларни бажариш

мажбуриятини олади, яъни **Иштихон туман Мактабгача таълим бўлимига қарашли 22-сонли Мактабгача таълим ташкилотини жорий таъмирлаш**, Буюртмачи эса ушбу бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

### **III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ**

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (**2022 йил “22” июлдаги 123046-сон баённома**) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **30 700 000 (Үттиз миллион етти юз минг)** сўмни ташкил қиласди.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### **IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

1- иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-

ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтингчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддатда мазкур шартномага 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: **2022 йил "27"июлдан** бошлаб кучга киради ва **2022 йил "31"декабргача** амал қиласи.

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиши вақти ишлар бошланган кундан эътиборан кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу **9 210 000 (Тўққиз миллион икки юз ўн минг)** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади ( 1-илова).

16. Барча ишларни Пудратчи бажаргандан сўнг, Буюртмачи ишларни қабул қилиш далолатномаси тузади. Далолатнома имзолангандан сўнг, 5 банк иш куни ичida Буюртмачи қолган 70 фоиз тўловни амалга оширади.

### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

17. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукуқига эгадир.

19. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишида ташкил этади.

21. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

22. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

### **IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ**

23. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлади.

24. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

### **X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

25. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

26. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидар.

27. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳаклидир.

## **XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

28. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

29. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 20 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

30. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

31. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XII. КАФОЛАТЛАР**

32. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

## **XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

33. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тутатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

36. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

37. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

38. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

39. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб оловчига (буюртмачига) кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган заарни қоплашдан озод этмайди

40. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирумаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий

суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

41. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

42. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

43. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санаасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиқтиришга ҳақлидир.

44. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

## XVII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

46. Томонлар:

-Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажарилари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо , бу билан чекламай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-харакатлари/харакатсизлирини содир этмайдилар.

-Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбарлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-харакатларни/харакатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажарышдан воз кечадилар деб маълум қиласидилар.

Томонда ушбу Шартноманинг 46. бандаги талабларни бузиш содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган хояда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларнинг

нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-амалдаги қонун хужжатларда белгиланган тартибда ваколатланган органларни хам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЎРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Пудратчи:

Ташкилот номи: «МУРОДОБОД СЕТИ»  
МЧЖ

Тел: 93.354.40.30

Х/Р: 20208000605088329001

Банк номи: ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ  
Боғишамол филиали

МФО: 01126

СТИР: 306458929

Рахбар

Турганов Т



Буюртмачи:

Ташкилот номи: Иштихон туман  
Мактабгача таълим бўлими

Манзил: Иштихон ш. А. Темир кўчаси 4-ўй

Тел/факс: 629-22-80

Ш/ХВ: 100022860182127091100251001

СТИР: 207266465 ИФУТ: 84119

Иштихон т. буйича Газначилик Булинмаси  
Газна Х/Р: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий б. Тошкент ш. XKKM

МФО: 09014 СТИР: 201122919

Рахбар

Г.Сайдмуратова



## **ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТҮҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

1. Лойиҳанинг тури

### **Шартнома**

2. Лойиҳанинг номи

### **Пудрат шартномаси**

Иштихон туман **Мактабгача таълим бўлими** ва “Муродобод Сети” МЧЖ ўртасида тузилган пудрат шартномаси (жами шартнома суммаси **30 700 000 сўм**). Ушбу шартнома Ўз.Р. “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги 684-Қонуни ва Ўз.Р.Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги 3953-сон Қарорига асосан тузилган.

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳакидаги маълумот

### **Иштихон туман Мактабгача таълим бўлими 27.07.2022**

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.



**2022 йил «27» июл**

Марказ бошлиғи:



**Ш.М.Юлдашев**

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risi

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MURODOBOD CETI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektingi tashkiliy-huquqiy shakli ko'resatilgan holdagi to'g'ri nomi)

"MURODOBOD CETI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

28.05.2019

727312

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqla

(Sana, oy (soz bilan), yil)

Soliq to'loychining identifikasiya raqami (STIR):

306458929

Tashkiliy-huquqiy

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

SO'NINI:

Joyketsagan joyi:

chonma:

Samarqand viloyati, Ishtixon tumani, Safoxo'ja MFY Qangli qishlog'i

Samarqand viloyati, Ishtixon tumani, DAVLAT

XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'g'ri nomi)



*Amirkhan*

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 123046 на приобретение 22-МТТ биносини жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 22.07.2022

Время рассмотрения 22.07.2022 10:40

Конкурсная комиссия Иштихон туман Мактабгача таълим булими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	SAIDMURATOVA GULCHEXRA IBRAGIMOVNA	Рахбар	Иштихон Туман МТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	QAHRAMONOV ADHAM AKMAL O'G'LII	Экссплуатация хизмат бошлиги	Иштихон туман МТБ
<b>Член комиссии</b>	JAMOLOV IBROXIM LUTFULLO O'G'LII	Мутахассис	Иштихон туман МТБ
<b>Член комиссии</b>	MARDIYEV SOHIB ESANBOYEVICH	МТБ хўжалик мудири	Мактабгача таълим бўлими
<b>Член комиссии</b>	USMONOV MANSUR KOMILOVICH	мутахассис	Иштихон туман МТБ
<b>Член комиссии</b>	SULAYMONOV TOLLIBOY AXTAMOVICH	Шартнома булим бошлиги	Иштихон туман МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 22.07.2022 года № лота 123046.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 45

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	22 МТТ биносини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	31 485 128.00
Стартовая сумма	31 485 128.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; «Инсофсиз ижрочилар» ягона реестрида қайд этилмаганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; «Инсофсиз ижрочилар» ягона реестрида қайд этилмаганлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ME'MOR MAQSUDJON SERVIS MCHJ	10	йукланди	5	Экспертная		
Иштихон Строй Хоус МЧЖ	10	Илова қилинди	10	Экспертная		
ООО MURODOBOD CETI	10	Илова қилинди	10	Экспертная		

Критерий №2 Давлат солиқ құмитасининг расмий веб-сайтида шубҳали корхоналар рўйхатига киритилмаганлиги; қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат солиқ құмитасининг расмий веб-сайтида шубҳали корхоналар рўйхатига киритилмаганлиги; қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ME'MOR MAQSUDJON SERVIS MCHJ	10	юкланди	5	Экспертная		
Иштихон Строй Хоус МЧЖ	10	Илова қилинди	10	Экспертная		
ООО MURODOBOD CETI	10	Илова қилинди	10	Экспертная		

Критерий №3 Пудратчи ташкилот хар бир иш тури буйча кафолат хати тақдим қилиши лозим

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчи ташкилот хар бир иш тури буйча кафолат хати тақдим қилиши лозим

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ME'MOR MAQSUDJON SERVIS MCHJ	10	юкланди	10	Экспертная		
Иштихон Строй Хоус МЧЖ	10	юкланди	10	Экспертная		
ООО MURODOBOD CETI	10	юкланди	10	Экспертная		

Критерий №4 сўнгги йил давомида бажарган иш тажрибаси.

Тип: Текстовое значение

Описание: сўнгги йил давомида бажарган иш тажрибаси.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ME'MOR MAQSUDJON SERVIS MCHJ	10	илова қилинди	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Иштихон Строй Хоус МЧЖ	10	илюва қилинди	10	Экспертная		
ООО MURODOBOD CETI	10	илюва қилинди	10	Экспертная		

Критерий №5 Пудратчи ташкилот иш фоаляти камида 3 йил булиши лозим

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчи ташкилот иш фоаляти камида 3 йил булиши лозим

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ME'MOR MAQSUDJON SERVIS MCHJ	10	илюва қилинди	10	Экспертная		
Иштихон Строй Хоус МЧЖ	10	илюва қилинди	5	Экспертная		
ООО MURODOBOD CETI	10	илюва қилинди	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО MURODOBOD CETI	31 485 128.00	30 700 000.00 UZS	30 700 000.00	00.00	30 700 000.00	20.07.2022 17:40:03	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО MURODOBOD CETI	80	20	100
ME'MOR MAQSUDJON SERVIS MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
Иштихон Строй Хоус МЧЖ	72	19.75	91.75

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 123046 от 22.07.2022 года на приобретение 22-МТТ биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

ООО MURODOBOD CETI  
306458929

и резервный исполнитель: Иштихон Строй Хоус МЧЖ (306932798)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	MARDIYEV SOHIB ESANBOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	USMONOV MANSUR KOMILOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	SAIDMURATOVA GULCHEXRA IBRAGIMOVNA	Согласен	
Член комиссии	SULAYMONOV TOLLIBOY AXTAMOVICH	Согласен	
Член комиссии	JAMOLOV IBROXIM LUTFULLO O'G'LII	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП